O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2005-YIL • 8-FEVRAL • SESHANBA • 16 (27.351) • uzbovozi@sarkor.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## ОҚСАРОЙДА КЕНГАШ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2005 йил 7 февраль куни Оқсарой қароргоҳида ҳукуматнинг янги тайинланган аъзолари билан амалий кенгаш ўтказди**

Кенгашда давлатимиз раҳбари Президентнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» дастурий маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ва устувор йўналишларни амалга ошириш бўйича асосий талаблар ва ҳукуматнинг иш тамойилларини белгилаб берди.

Мамлакатимиз раҳбари иқтисодиётни эркинлаштиришни чуқурлаштирмасдан, хусусий мулк улушини оширмасдан, тадбиркорлик учун эркин шароит яратмасдан туриб юқори иқтисодий ўсишга эришиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги асосий принципиал хулосани яна бир бор таъкидлади.

Қайд этилдики, ҳукуматнинг энг асосий вазифаларидан бири иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришни таъминлаш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришдан иборатдир. Бу борада асосий эътибор тадбиркорликни, кичик ва хусусий бизнесни, фермерликни фаол ривожлантиришга ҳалал берувчи барча сунъий ғов ва тўсиқларни бартараф этишга қаратилиши даркор.

Шу муносабат билан Президентимиз томонидан мамлакатни ислоҳ қилишда давлатнинг етакчилик роли тўғрисидаги жамиятни ривожлантиришнинг асосий тамойилларидан бирини амалга ошириш механизми ойдинлаштирилди ва ҳукумат аъзолари, барча даражадаги ҳокимлар, юқори давлат лавозимларини эгаллашдек юксак ишонч билдирилган барча кишилар ўзлари раҳбарлик қилаётган соҳалар ҳамда ҳудудларда ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий ташкилотчиси бўлиши кераклиги ҳақидаги вазифа қўйилди.

Президент давлат аппарати ходимларига қўйиладиган иккита энг асосий муҳим мезонни белгилаб берди. Биринчидан, топширилган ишга масъулият билан ёндошиш. Иккинчидан, билим, малака ва тажрибага асосланган омилкорлик.

Кенгашда давлатимиз раҳбари томонидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ишидаги, аҳолининг кўплаб эътирозларига сабаб бўлаётган давлат ҳокимиятининг жойлардаги ижро органлари фаолиятидаги жиддий камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга коррупция, порахўрлик, шахсий содиқлик ёки қариндош-уруғчиликка асосланган таниш-билишлик каби хунук ҳолатларга қарши курашни кучайтириш вазифаси топширилди.

Ҳукумат олдига мамлакатни ислоҳ қилишнинг янги стратегик вазифалари бюрократик тўсиқлар, сансалорлик, аппарат амалдорларининг масъулиятсизлиги туфайли бажарилмай қолиб кетишига йўл қўймаслик борасида қатъий вазифалар қўйилди.

Мажлисда Президентимиз ҳукумат, вазирлик ва давлат қўмиталари раҳбарларига ишдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, фаолият усули ва натижаларини такомиллаштириш бўйича аниқ топшириқлар берди.

Пировардида Ислом Каримов барча даражадаги сайлов кампанияси ниҳоясига етган, вакиллик органлари ва янги ҳукумат шаклланган ҳозирги пайтда мамлакат аҳолиси, ҳар бир оила ҳақли равишда ҳаётининг яхши томонга ўзгаришини кутаётганини таъкидлади ва Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби ўз олдига қўйилган вазифаларни ҳал этишни таъминлашига ишонч билдирди.

## МАМЛАКАТ. МАКТАБ. МУАЛЛИМ

**«Мактаб — дунё иморатларининг энг муқаддаси ва қадрлисидир. Мактабнинг чин ва ҳақиқий маъносини билган миллатлар жонлари, моллари ила ҳиммат ва ғайратларини сарф этиб, миллатнинг тараққийи ривожига ижтиҳод қилурлар».**

Маҳмудхўжа Беҳбудий



Донишмандлардан бири **«Ҳаёт йўлида биринчи масала — мактаб масаласидир»** деган эди. Изоҳ талаб этилмайдиган бу ҳақиқат бугун мамлакатимиз таълим тизимига давлат сиёсати даражасида қаралаётганлигида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Президентимизнинг ***«2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»***ги Фармони соҳа мутахассислари, кенг жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олинди. Мамлакат миқёсида мактаб ва муаллимга берилаётган эътибор туфайли бутун таълим тизимида янгиланиш, юксалиш жараёнлари бошланди.

— Бугунги кунда мактабимизда 2200 га яқин ўқувчи таълим-тарбия олмоқда. Уларга 94 нафар фан ўқитувчилари, педагог-мураббийлар сидқидилдан сабоқ беришмоқда. Билим масканида спорт зали, 250 ўринга мўлжалланган ёруғ ва шинам ошхона, компьютер синфлари, катта китоб фондига эга кутубхона, маънавият хонаси ўқувчилар ихтиёрида. Мавжуд ўқув хоналари замонавий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган.

Ўқувчилар бўш вақтларини унумли ўтказишлари учун турли тўгараклар ташкил этганмиз. Хусусан, тўқувчилик, зардўзлик, каштачилик каби 16 та, баскетбол, футбол, шоҳмот, шашка, каратэ, таэквондо каби 7 та тўгарак фаолият кўрсатмоқда. Мактабимизда футболга ихтисослашган махсус синф ҳам бор. Фахрланиб шуни айтмоқчиманки, ёш футболчиларимиз ўтган йили Таиландда ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги халқаро турнирда биринчи ўринни эгаллаб, олтин медални қўлга киритишди. Шавкат Баҳромов, ака-ука Даврон ва Ҳусниддин Рустамовлар эса ёшлар ўртасида бўлиб ўтган таэквондо турнирининг республика босқичида олтин медаль соҳиби бўлишди, — дейди **Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 324-ўрта мактаб директори Салима Шаропова.**

Мактабда вояга етмаган ўсмирларни тарбиялашда **«Оила, маҳалла, мактаб концепцияси»** асосида иш олиб борилмоқда. Бу борада республика миқёсида семинар-тренинглар ўтказилди. Ёш оналарга ёрдам курслари, ота-оналар кенгаши ҳам ташкил этилган бўлиб, бу ўқувчилар тарбиясига ижобий таъсир этмоқда.

**Маъмуржон МАҲМУД,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**





**Суратларда:** мактаб директори Салима Шаропова (ўртада) ёш ҳамкасблари билан; ўқитувчи Муҳаррам Назарова дарс пайтида; компьютер синфида.

**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

## САМИМИЙ ҚУТЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга таваллуд куни муносабати билан Россияда чиқадиган энг оммавий нашрлардан бири — «Комсомольская правда» газетаси таҳририяти бош директори ва бош муҳаррири В.Сунгоркиндан табрикнома келди. Унда бундай дейилади:

**Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич! Туғилган кунингиз муносабати билан энг самимий кутловларимизни қабул қилгайсиз! Истаймизки, Сизга хос шижоат ва некбинлик янги марраларни забт этишингизда доимо қувват бахш этаверсин, тажриба ва донишмандлигингиз янгидан-янги уфқлар сари чорлайверсин, омад эса ҳамиша марғуб ҳамроҳингиз бўлсин. Газетамизни ўқиб туришингизни, узоқ умр кўришингизни тилаб қоламиз!**

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ЯДРО ҚУРОЛИДАН ХОЛИ ҲУДУД

**Тошкентда БМТ шафеълигида Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартнома лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича минтақавий экспертлар гуруҳининг йиғилиши бошланди. Унда Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Қозоғистон ташқи сиёсат маҳкамалари ҳамда БМТ вакиллари иштирок этмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1993 йил 28 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Марказий Осиё минтақасини ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ташаббусини илгари сурган эди. Юртбошимизнинг ушбу таклифи доирасида Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) ҳамда БМТнинг қуролсизланиш бўйича бошқармаси билан ҳамкорликда Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартномани ишлаб чиқиш бўйича музокаралар олиб борилаётир.

Женева, Бишкек, Тошкент, Саппоро, Ашхабод ва Самарқанд шаҳарларида ушбу масалага бағишланган амалий учрашувлар ўтказилди.

Бу галги йиғилишда Шартнома лойиҳасининг матни юзасидан ядровий қуролга эга мамлакатлар ҳамда қатор халқаро ташкилотлар томонидан билдирилган таклиф ва шарҳлар муҳокама этилмоқда. Улар асосида иштирокчи томонлар бу борадаги умумий келишувни ишлаб чиқади.

**Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ, ЎзА мухбири.**

## 9 ФЕВРАЛЬ —
### *Мир Алишер Навоий таваллуд топган кун*

Улуғликнинг қадр-қиммати йиллар, асрлар ўтгани сайин янада юксалиб бораверади. Халқимизнинг буюк шоири, сўз мулкининг султони Алишер Навоий ҳазратлари томонидан битилган ўлмас асарлар ҳам орадан салкам олти асрга яқин вақт ўтса-да, ҳамон дунё халқларининг маданий ва маънавий мулки сифатида ўрганилиб, тадқиқ этиб келинмоқда.

Шоир орзу қилган комиллик, ҳамжиҳатлик, тинчлик, фаровонлик тамойиллари мустақиллик туфайли элимизга қайтди. Биз миннатдор авлодлар азиз аждодимизга эҳтиромимиз рамзи сифатида унинг беқиёс адабий меросини, пурмаъно сўзлари, ҳикматлари мағзини чақиб, ундан юксак инсонийлик сабоқларини ўрганамиз.

Олимларимиздан бири шундай ёзади:

Афсонавий бир қуш бўлган экан. Фақат қуёш шуъласидан озиқланадиган шу қушнинг овози ғоятда сеҳрли бўлганмиш. У сайраганда бутун инсоният тингларкан. Бу қушнинг овози эшитилган заҳоти одамларда руҳ уйғоқлиги кучаярмиш. Лекин унинг қандай учишини ҳеч ким кўролмас экан. Бир кун ўша ғаройиб қушдан сўрашибди: «Сен қаёнга учасан — ўнггами, сўлгами?» У жавоб берибди: «Самога. Юксакка парвоз қиламан». Менинг тасаввуримда Навоий шеъриятида ҳам шундай бир қуш бор ва у фақат баландликка учади. Руҳни уйғоқлик ва фақат юксакликка чорлайди. Балки унинг номи «жон қуши»дир. Балки уни юрак қуши деб аташ керакдир. Хўш, унинг розларидан қандай моҳият англашилган? Ишқ ва Ватан. У Ҳақиқат — ишқ, ишқ — бу Ватан, деган. Навоий асарларини ўқиганда шу қуш овозини эшитмоқ керак. Шунда дунёда энг унутилмас кенглик — шу Ватан, инсон ҳаётининг буюк мазмуни сенга тил ва тафаккур ато этган она-Ватанингни таниш эканлиги соат сайин ёрқинлашади...

4-БЕТ

## НАВОИЙДА НАВОИЙХОНЛИК

Шу кунларда мамлакатимизда бобокалонимиз Алишер Навоий таваллудининг 564 йиллиги кенг нишонланмоқда. Навқирон Навоий вилоятида ҳам бу кутлуғ сана кўтаринкилик билан бошланди.

Шоир номидаги мажмуада бўлиб ўтган тадбирни вилоят ҳокими, Сенат аъзоси Баҳриддин Рўзиев кириш сўзи билан очди. Жумладан, у Алишер Навоийнинг бизга қолдирган адабий мероси, унинг ўрганилиш тарихи, улуғ шоир томонидан амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, мустақиллик йилларида буюк мутафаккирга кўрсатилган эҳтиром, қилинаётган хайрли ишларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг Навоий давлат педагогика институти ректори, педагогика фанлари доктори Холбой Иброҳимов ва бошқалар сўзга чиқишиб, буюк шоирнинг асарлари нафақат халқимизнинг, балки бутун инсониятнинг бебаҳо мулки эканлиги ҳақида мулоҳаза юритдилар.

**Музаффар ШАРОПОВ**

## БУ ЙИЛ ҚОР КЎП ЁҒДИ...МИ?

Бу саволга қисқагина қилиб «Ҳа» деб жавоб бериш мумкин. Айниқса, тоғларга одатдагидан кўп қор ёғди. Натижада Камчиқ довонида қор кўчкиси юз бериб, Фарғона водийсини пойтахт Тошкент билан боғлаб турувчи транспорт йўлагида қатнов вақтинча тўхтатилди

Қор аслида ернинг ризқи. Шунинг учун ҳам далаларга қанчалик кўп қор ёғса, деҳқон шунчалик қувонади. Чунки қор ва ёмғирнинг мўллиги ёзда сувнинг сероб бўлишига замин яратади.

Шу ўринда савол туғилади: ҳақиқатан ҳам йил бошида ёғингарчилик кўп бўлдими?

Саволимизга жавоб олиш учун Гидрометеорология маълумотлари билан таъминлаш хизматига мурожаат қилдик.

*— Ҳа, январь ойида Тошкентда ёғингарчилик меъёрдагидан кўп бўлди, яъни унинг миқдори 88 мм.ни ташкил этди. Бу ўртача меъёрга нисбатан 163 фоиз демакдир,* — дейди **Гидрометеорология маълумотлари билан таъминлаш хизмати бошлиғи Фотима Қосимова.** — *Охирги 4 йил об-ҳавосини кузатадиган бўлсак бу йил январда жуда кўп ёғингарчилик бўлди. Умуман олганда, сўнгги 7 йил ичида Тошкентда энг кўп ёғингарчилик 1998 йил январда юз берган. Ўшанда унинг миқдори 95 мм.ни — меъёрга нисбатан 194 фоизни ташкил этган эди.*

Демак, кўриниб турибдики, табиатнинг бундай манзараси бобо деҳқонни қувонтирса-да, лекин шу кунларда халқ хўжалигининг айрим тармоқлари учун анчагина мушкулликларни келтириб чиқармоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигидан олинган маълумотларга қараганда, биринчи ва иккинчи февраль кунлари Тошкент — Ўш йўлидаги Камчиқ довонида қор кўчкилари содир бўлди. Қор кўчкилари тўғрисида олдиндан хабар берувчи «Камчиқ» станцияси навбатчиси табиатнинг бундай «кароматн» ҳақида аввалдан маълум қилгани боис 1 февраль куни Тошкент — Наманган ва Тошкент — Ўш автойўлининг айрим участкаларида ҳаракатлар вақтинча тўхтатилди. Ушбу йўлнинг хавфли қисмида бўлган барча автоулов ва фуқаролар «Камчиқ» қидирув-қутқарув отряди, «Автойўл» акциядорлик компанияси, Давлат тоғ-техника назоратининг тоғ-қутқарув қисми ва Ички ишлар вазирлигининг ўт ўчириш бўлинмалари томонидан эвакуация қилишга эришилди.

Йўлни тўсиб қолган қор кўчкиларини тозалаш ишларига «Камчиқ» қидирув-қутқарув отряди, Давлат тоғ-техника назоратининг ҳарбийлашган тоғ-қутқарув қисми, йўл қурилиш хизмати ва ёнғинга қарши курашиш бўлинмаларидан 500 га яқин киши ҳамда 100 га яқин махсус техника жалб этилган.

Табиийки, яна бир савол туғилади: довон йўлида қатнов тўхтатилган экан, Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларининг пойтахт билан транспорт коммуникация алоқалари қандай амалга оширилятпи?

Водийга зарур иш билан боришни хоҳлаётган ва у ёқдан пойтахтга келиш истагида юрганларга шуни маълум қиламизки, мамлакатимиз раҳбарияти дарҳол бунинг чораларини кўриб қўйди.

2-БЕТ



TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

Долзарб мавзу!

# КЕКСАЙГАНДА ҲАЁТИМ ГАШТЛИ БЎЛСИН

## ДЕСАНГИЗ, ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИНИНГ АСЛ МАҚСАДИ ВА МОҲИЯТИНИ ЧУҚУР АНГЛАБ ОЛИНГ

2004 йилнинг декабрь ойида иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг XVI сессиясида «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Мазкур қонуннинг ижросини таъминлаш мақсадида 2004 йилнинг 21 декабрида Вазирлар Маҳкамасининг **«Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида қарори ҳам матбуотда чоп этилди. Мазкур қонун ва ҳужжатлар шу йил 1 январдан амал қила бошлади.

Қонуннинг туб мақсади амалдаги пенсия тизимини ислоҳ қилишдан иборат. У асосан бозор иқтисодиёти шароитида пенсия ёшидаги фуқароларимизни моддий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлаш, иш берувчиларнинг ўз ходимлари моддий аҳволини яхшилашдаги масъулиятини кучайтириш, амалдаги пенсия тўловларига қўшимча даромад олиш манбаларини яратиш, қолаверса, кексалик чоғида фуқароларнинг ўз фаровонлиги учун шахсий жамғармаларини шакллантиришга замин ҳозирлаш каби масалаларни ҳам қамраб олади. Хуллас, бир сўз билан айтганда, бу Қонун республикамиздаги фуқароларга кексалик ҳаётини гаштли ўтказишга имконият яратади.

Мазкур масъулиятли вазифаларнинг айнан Халқ банкига юклатилганлиги, аввало, бу банкка бўлган ишончдир. Қолаверса, Халқ банки мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари орасида ўзининг узоқ тарихи ва бой анъаналари билан ажралиб туради. Ўз вақтида жамғарма кассалари фақатгина аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатларга ва учинчи шахслар ҳисобига тўловларни қабул қилиш каби жисмоний шахслар билан боғлиқ муаммоларни амалга оширган. Мустақиллик даври давомида банк бир нечта иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларга оид умумдавлат тадбирлари иштирокчиси сифатида ўзига юклатилган вазифаларни бажарган ва бажариб келмоқда.

Ҳозирда мамлакатимизнинг ҳар уч нафар фуқаросидан биттаси Халқ банки омонатчиси ҳисобланади. Республикамизнинг ҳар бир ҳудудида банк ўз муассасасига эга бўлиб, унинг 14 ҳудудий, 187 туман (шаҳар) филиаллари, 198 та мини-банк ва қарийб 2,5 мингдан зиёд шахобчалари мижозларга банк хизмати турларини кўрсатиб келмоқда.

Мазкур Қонуннинг 6-моддасида Иш берувчиларнинг, шунингдек, меҳнат фаолиятини шартнома асосида амалга оширувчи фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этиши мажбурийлиги кўрсатиб ўтилган. Демак, бу пенсия ёшида меҳнат фаолиятини давом эттираётган фуқароларга ҳам тааллуқли.

Хўжалик субъектларида меҳнат шартномаси асосида ишлаётган фуқаролар мазкур тизим субъектларига айланадилар ва унда мажбурий асосда иштирок этадилар. Бунда уларнинг ойлик иш ҳақларининг бир фоизи (2005 йил январь ойи учун ҳисобланган иш ҳақидан бошлаб) миқдоридаги маблағ, ҳисобланган даромад солиғи суммасидан чегириб ташланган ҳолда, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларига ўтказилади.

Барча юридик шахслар, яъни иш берувчилар ўзлари жойлашган ҳудудлар бўйича халқ банкининг туман ва шаҳар филиалларига ўз ходимлари учун очилган ҳисоб рақамларга февраль ойининг дастлабки кунларидан эътиборан (январь ойидаги иш ҳақи учун) жамғариб бориладиган пенсия таъминоти бадалларини ўтказишлари лозим. Юридик шахс бўлмаган ҳолда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар, деҳқон хўжаликларининг аъзолари, уй бекалари, вақтинча ишламаётган ҳамда бошқа фуқаролар эса ихтиёрийлик асосида иштирок этишлари мумкин. Улар ўзлари яшаб турган ҳудуддаги Халқ банки филиалига мурожаат этиб, шахсий жамғариб бориладиган ҳисоб варағи очади ҳамда ўзларига қулай вақтда ушбу ҳисоб варaққа чекланмаган миқдордаги бадалларни қўйишлари мумкин.

Фуқаро вафот этган тақдирда, унинг ҳисоб варағида жамғарилган маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меросга ўтади ва маблағлар бир йўла тўла ҳажмда тўланади. Агар, фуқаро Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш учун чиқиб кетаётган бўлса, унга ҳам маблағлар бир йўла тўла ҳажмда тўланади.

Қонуннинг 10-моддасида «Иш берувчига шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларига қўшимча бадаллар тўлаш ҳуқуқи берилади», дейилган.

Бунинг изоҳи шуки, иш берувчилар ўз маблағлари ҳисобидан (агар бу жамоа шартномасида кўрсатилган бўлса ёки ишчи гуруҳларининг розилиги билан) ходимларининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларига қўшимча бадаллар ўтказиш ҳуқуқига эгалар. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий тартибда иштирок этувчи фуқаролар ўз шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларига ўзлари қўшимча исталган миқдордаги бадалларни киритишлари мумкин.

Шу ўринда савол туғилиши мумкин: фуқаро пенсия тўловларининг олиш муддатини ўзи танлай оладими, йўқми? Фуқаро давлат пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўлганида, яъни ёши муносабати билан пенсия тайинланганда, ногиронлик пенсиясини олаётганда ҳамда боқувчисини йўқотганлиги туфайли пенсия белгиланганида унинг номидаги жамғариб бориладиган пенсия миқдори ўрнатилган тартибда бир йўла тўла ҳажмда ёки фуқаронинг хоҳишига кўра, муайян давр оралиғида ойма-ой таъминланади.

Эътиборли жиҳати, Қонуннинг 5-моддасида жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларида жамғарилган маблағларнинг сақланиши ва тўланиши давлат томонидан кафолатланган.

Ҳозир бизга ёзма ҳолда ва қўнғироқлар орқали: «Фуқароларнинг жамғарилган маблағларига даромад тўлаш кўзда тутилганми?» деган саволлар тушаяпти. Халқ банки жамғариб бориладиган пенсия тизимида шаклланган маблағларни кўпайтириш ҳамда уларни пул қадрсизланишидан ҳимоя этиш мақсадида мужассамланган маблағлардан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида, шунингдек, уларни молиявий воситаларга жойлаштириб, олинган даромад ҳисобига шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларидаги маблағларга пул қадрсизланишига нисбатан юқори суръатлардаги ставкалар бўйича фоиз даромадларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоблаб, қўшиб боради. Фоиз ставкасини Халқ банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банк билан келишилган ҳолда белгилайди.

Шу ўринда жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг ҳуқуқлари тўғрисида ҳам айтиб ўтишга тўғри келади. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи:

**— шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варағидан тўловларини албатта шунга ҳуқуқи бўлганидан кейин олиш;**

**— шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варағидаги жамғармаларнинг ҳолати тўғрисида, унга ҳисобланган фоизлар ҳақидаги маълумотларни Халқ банки филиалларидан ўз сўровига кўра, йил давомида исталган вақтда талаб этиш;**

**— сўров бўйича шахсий ҳисобга олиш учун иш берувчи томонидан Халқ банки филиалига тақдим этилган маълумотларнинг нусхасини иш берувчидан исталган вақтда олиш;**

**— ўзининг ҳисоб варағидаги мавжуд бўлган маълумотларга, жумладан, ўтказилган бадаллар суммасига рози бўлмаган тақдирда ариза билан иш берувчига, Халқ банкига ёки судга мурожаат қилиш;**

**— шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варағидаги жамғармаларини қонун ҳужжатларига мувофиқ васият қилиш ҳуқуқларига эга.**

Яқинда «Ўзбекистон овози» газетаси мухбирларидан бири «Жамғариб бориладиган пенсия тизимида фуқароларни ҳисобга олиш Сўровнома (Анкета)си ким томонидан тўлдирилади? Ҳисоб варағига фуқароларнинг бошқа даромадлари ҳисобидан ҳам маблағлар ўтказиладими?» деган саволлар билан мурожаат қилди.

Жавоб берамиз: жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий тарзда иштирок этувчи фуқароларни ҳисобга олишда Сўровнома (Анкета) — иш берувчилар, яъни уларнинг кадрлар бўлими ёки бош ҳисобчилари томонидан ва жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этувчи фуқароларни ҳисобга олишда Сўровнома (Анкета) — уларнинг ўзлари томонидан тўлдирилади. Жисмоний шахсларга даромад солиғи ҳисобланадиган барча турдаги даромаддан 1 фоиз миқдоридаги тўловлар бадал сифатида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варағига ойма-ой ўтказилади.

Иш берувчи ўтказилган бадал суммасини ўзида ишловчи фуқарога ҳисобланган даромад солиғидан ушлаб қолади. Шундай қилиб, ўтказилган бадаллар иш берувчининг ҳам, ишловчи фуқаронинг ҳам моддий манфаатларига зиён етказмайди, бинобарин, жамғариб бориладиган пенсия бадаллари давлат бюджетига йўналтирилган бадаллар ҳисобига жамланади.

Ушбу тизимда иштирок этиш учун ҳар бир корхона (ташкилот) ўзида ишловчи фуқароларга Халқ банкининг тегишли филиалларига анкета-сўровномалари топшириши мумкин.

Паспортда индентификация рақами қўйилмаган бўлса (1997 йилгача берилган паспортларда ушбу рақам кўрсатилмаган), анкета сўровномаларини тўлдириш учун паспортни бир тумандан олиб, иккинчи туманда яшаётган ҳамда учинчи туманда ишлаётган фуқаролар индентификация рақамини аниқлаш учун қайси тумандаги ички ишлар бўлимига мурожаат этиши керак? — деган савол ҳам пайдо бўлиши, табиий. Белгиланган тартибга кўра, бундай ҳолларда жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий тарзда иштирок этувчи фуқароларни ҳисобга олиш учун иш берувчи уларнинг яшаш жойидаги (доимий рўйхатда турувчи) ички ишлар бўлимига мурожаат этиши лозим.

Фуқароларнинг паспорт маълумотлари асосида (инденфикацион коди) Халқ банкида ягона республика электрон маълумотлар базаси яратилади. Яъни республикадаги барча ишловчи фуқароларга ҳамда ўз хоҳиши билан мурожаат қилган аҳолига такрорланмайдиган (умрбод сақланадиган) ҳисоб варағи очилади.

Бунинг натижасида жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг яшаш, иш жойи ёки паспорт маълумотлари ўзгарган тақдирда ҳам шахсий жамғариб бориладиган янги пенсия ҳисоб варағини очиш талаб этилмайди. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи ҳар бир фуқарога дастлаб очилган шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варағи доимий равишда хизмат қилади.

Ҳозирги кунда жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий тарзда иштирок этувчи фуқароларни ҳисобга олиш ва уларга ҳисоб варақларни очиш учун ҳукумат телеграммасига асосан жойларда мутасадди ташкилотлар билан ўтказилган семинар-кенгашларда иш берувчиларга қулайликлар яратиш мақсадида, ички ишлар бўлимларининг ташаббуси билан ўзларининг ички ахборот тизимлари орқали фуқаронинг шахсий индентификация рақамини аниқлаб берилиши йўлга қўйилган.

Шу кунларда қонун бажарилишини таъминлаш мақсадида Халқ банкининг барча филиалларида жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқароларга ҳисоб варақларини очиш дастури ишлаб чиқилди ва жадал жорий этилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Марказий банк ва Солиқ қўмитасининг масъул ходимлари билан биргаликда 2004 йилнинг 14-16 декабрларида ҳамда жорий йилнинг 3-8 январь кунлари барча вилоятларда Қонуннинг бажарилиши бўйича амалга оширилаётган ишлар ўрганилиб барча керакли тушунтиришлар берилди.

Айни пайтда фурсатдан фойдаланиб айтмоғим даркор, бу муҳим ижтимоий-иқтисодий ва умуминсоний тадбирнинг тарғибот ҳамда ташвиқот ишларида республика оммавий-ахборот воситаларининг ҳам фаол иштирок этаётганлиги бизда катта мамнуният уйғотмоқда.

**Шуҳрат МАНСУРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг ижрочи директори**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

**«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг матбуот котиби Сувонқул Рустамов ва Тошкент Марказий вокзали бошлиғи Шуҳрат Одилов** бизга қуйидагиларни маълум қилди:

*— 660-Тошкент — Андижон йўловчи поезди ҳафтада бир марта — пайшанба кунлари водийга ва у ёқдан пойтахтга душанба кунлари 12 та вагон билан қатнарди. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «Ўзтемирйўлйўловчи» очиқ акциядорлик жамияти Фарғона водийсига ва пойтахтга қатновчи йўловчилар учун қулайлик яратиш мақсадида 3 февралдан бошлаб 660-Тошкент — Андижон, 4 февралдан бошлаб эса 659-Андижон — Тошкент йўловчи поездларининг кунлик ҳаракатини йўлга қўйди.*

*Марғилон бекати орқали қатновчи ушбу йўловчи поездлари ҳар куни қатнайди. 3-4 февраль кунлари йўловчилар сонига қараб, вагонлар сони 24 тагача кўпайтирилди. 3 февраль куни эса соат 18.00 даги поезддан ташқари яна 21.00 да ҳам 24 вагонли қўшимча поезд ташкил этилди.*

*Мамлакатимиз пойтахтидан соат 18.00 да йўлга чиққан поезд эртасига 08.15 да Андижонга етиб боради. Андижондан эса 18.35 да жўнаб, Тошкентга эртаси куни 9 дан 25 дақиқа ўтганда етиб келади. Вагонлар сони йўловчилар оқимига қараб мувофиқлаштирилмоқда.*

Маълумки, пойтахтда чоп этиладиган Марказий нашрлар водийга автотранспортда етказиларди. **Ўзбекистон почтаси акциядорлик жамиятининг «Халқаро почтамт» филиали директори ўринбосари Саидвали Ахрорхўжаев**нинг айтишича, довон йўли вақтинча ёпилганлиги сабабли вақтли матбуот водийга поезд ва самолёт орқали етказилмоқда.

Табиат ва инсон



# БУ ЙИЛ ҚОР КЎП ЁҒДИ...МИ?

Тоғлардаги қор кўчкиси мавзусига яна қайтадиган бўлсак, табиатнинг бундай мушкулликлари фақат Ўзбекистонда содир бўлаётгани йўқ. Интернет сайтларидаги хабарларни кузатадиган бўлсак, республикамизга қўшни Тожикистон ва Қирғизистоннинг тоғли ҳудудларида ҳам бундай ҳодисалар юз берганлиги ҳақидаги хабарларни ўқиш мумкин. Жумладан, «Озодлик» радиосининг маълум қилишича, 4 февраль куни Тожикистоннинг Нуробод туманидаги тоғли ҳудудда юз берган қор кўчкиси оқибатида тоғ этагидаги қишлоқ уйларидан 15 таси қор остида қолди, 40 таси эса у ёки бу даражада шикастланди. Бу фожиада 9 киши ҳаётдан кўз юмди, 3 киши эса тан жароҳати олди.

Қирғизистон Республикасининг Экология ва фавқулодда вазиятлар вазирлиги матбуот котиби Эмил Акматовнинг маълум қилишича, мамлакатнинг жанубий вилоятларидаги тоғли ҳудудларда бир неча ўнлаб қор кўчкилари рўй берган. Натижада автотрассалар ва аҳоли пунктти қор остида қолди. Жумладан, Олабуқа — Қиниш-қия автотрассасида қатнов тўхтатилди. Қутқарувчиларнинг айтишларича, бу ерда учта автомобиль ва бир йўловчи автобуси қор кўчкиси остида қолган. Одамлар бу хавфли ҳудуддан кўчириб олиб чиқиб кетилган. Жалолобод вилоятининг Янгибозор посёлкасида эса 8 та уй кўчки остида қолди. Ўш вилоятида бир киши нобуд бўлди.

Мутахассислар берган маълумотларга кўра, яна бир неча кун давомида кучли қор ёғиши кутилмоқда. Ҳозир Қирғизистоннинг жанубий туманларига қарашли айрим жойларда қор қалинлиги 1 метргача етади. Қор кўчкиси оқибатида ташқи оламдан узилиб қолган аҳоли пунктларига ёнилғи-мойлаш материаллари, озиқ-овқат ва бошқа керакли анжомлар қутқарув-ёрдам отрядлари томонидан етказиб берилмоқда.

Кўриниб турибдики, бу йил қиш нафақат Ўзбекистонга, балки Марказий Осиёнинг бошқа давлатларига ҳам анча қийинчиликлар туғдирмоқда.

**Хўш, Ўзбекистоннинг бошқа йўлларида аҳвол қандай?** Умуман, январь ойида қор кўп ёғиши оқибатида йўл-транспорт ҳодисалари даражаси ортиб кетмадимикин, деган ҳадик билан республика Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасига мурожаат этдик.

*— Ҳар йили қишда йўлларда сирпанчиқлар ҳосил бўлиши табиий ва бу анчагина муаммоларни келтириб чиқаради. Шу муаммоларнинг олдини олиш мақсадида ҳайдовчиларни эҳтиёткорликка чақириш ва йўлларда транспорт қатновини назорат қилиш, аниқроғи, йўл қоидаларига риоя этилишини таъминлаш асосий бурчимиз. Ходимларимиз изғирину ёғин-сочинли кунлардаям ўз бурчларини адо этмоқдалар,* — деди **республика ИИВ ЙҲХББ катта инспектори, подполковник Мансуржон Рихсиев.** — *Бироқ йўл-транспорт ҳодисалари барибир юз бермоқда. Жумладан, январь ойида 729 та автоҳалокат содир бўлди. Натижада 132 киши ҳаётдан бевақт кўз юмди, 808 нафари эса турли даражада тан жароҳати олиб, шифохоналарга ётқизилди. Қайд этилган 729 та йўл-транспорт ҳодисасининг 623 таси бевосита ҳайдовчилар айби билан, 31 таси эса маст ҳолда транспорт воситасини бошқариш оқибатида содир бўлди.*

*Йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқараётган сабаблардан яна бири бу пиёдалар томонидан содир этилаётган қоидабузарликлардир. Бунга мисол қилиб пиёдалар йўлнинг белгиланмаган жойидан кесиб ўтишларини, тўхтаб турган транспорт воситаларининг ортидан тўсатдан чиқиб қолишлари сингари ҳолатларни кўрсатиш мумкин.*

*Содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, аксарият ҳолларда фуқароларимиз «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг талабларини билишмайди ёки унга амал қилишмайди. Шу туфайли биз фуқароларимизга яна бир бор «Йўл ҳаракати қоидалари» инсонлар ҳаётини асраш мақсадида яратилганлигини эслатиб ўтмоқчимиз.*

Дарҳақиқат, эхтиёткорлик ҳар биримиз учун зарур. Бу туйғуни дилига туйган одам ўз оиласи ва жамият учун ҳеч қачон муаммо туғдирмайди.

Гапимиз сўнггида **республика Гидрометеорология маълумотлари билан таъминлаш хизматидан бош синоптик Ирина Зайцева** берган маълумотларни эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз:

*8-9 февраль кунлари Ўзбекистонда ўзгарувчан об-ҳаво сақланиб туради, айрим жойларда вақти-вақти билан қор ёғиши кутилади. Ғарбдан 7-12 метр-секунд тезликда шамол эсади. 10-11 февраль кунлари эса республика бўйлаб қор ёғади. Шамол тезлиги 15-20 метр-секундга етади. Кечаси совуқ шимолий ҳудудларда — 12-17 даража, қолган ҳудудларда — 5-10 даражага етиши, кундузи эса — 1-4 даража совуқ бўлиши кутилмоқда.*

*Республиканинг тоғли ҳудудларида ҳам об-ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан қор ёғиб, туман тушади. 8-11 февраль кунлари қор кўчиши эҳтимоли бор.*

Демак, йўловчи ва ҳайдовчиларни яна бир бор огоҳликка чақирамиз: лоқайдлик, бепарволик умр заволи эканлигини унутманг!

**Алимқул СУЛТОН**

2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили



# ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИ

Сиҳат-саломатлик йили бошида Учқўрғон туманининг Чек қишлоғида янги, замонавий қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди.

— Чек қишлоғида 4000 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди туман марказий шифохонаси бош шифокори Шавкат Усмонов. — Улар тиббий ёрдам учун ўттиз икки километр йўл босиб туман марказига келиб кетишарди. Шуни ҳисобга олган ҳолда вилоят ҳамда туман ҳокимлиги кўмаги билан чекликлар учун лойиҳа қиймати 96 миллион сўмлик шинам, барча қулайликларга эга врачлик пункти қуриб берилди. Айни пайтда бу ерда дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш ва кундузги даволаниш учун зарур барча шарт-шароитлар ҳамда тиббий жиҳозлар мавжуд. Қишлоқ аҳолиси бундай қулайликдан мамнун.

✧✧✧

**Суратларда:** шифокор Гулнорахон Жўраевалар беморга хизмат кўрсатаяпти; қишлоқ врачлик пункти.



*Шавкат АКРАМОВ олган суратлар*

## Ўзбекистон — Испания

***Буни қарангки, унинг муаллифи — Ўзбекистоннинг Мадриддаги фахрий бош консули Сантияго Руиз Моралес ҳам ўзи билмаган ҳолда бундан олти аср муқаддам ватандоши Клавихо босиб ўтган йўлдан саёҳат қилиш шарафига муяссар бўлган. Испанияда у билан бўлган учрашувимизда ўзининг ғаройиб саёҳати ҳақида шундай ҳикоя қилиб берган эди:***

***«У пайтда жуда ёш эдим. Дўстим билан дунёни кезиш ниятида йўлга отландик. Ўшанда Ўзбекистон ҳақида ҳам, Темур ва Клавихо учрашувлари ҳақида ҳам умуман маълумотга эга эмасдим. Биз автомобилда саёҳатга чиқишга қарор қилдик. Шу бўйи Шарққа, то Кобулгача саёҳат қилиб, сафаримиз давомида бир-бирига умуман ўхшамайдиган турмуш тарзи, маданиятлар хилма-хиллигини кузатиш бахтига муяссар бўлганмиз. Кейинчалик касбим тақозоси билан Клавихо тарихини ўргандим. Унинг хотиралари ва Буюк Темур салтанатига қилган сафари тафсилотларини ўрганар эканман, ҳайратга тушгандим. Мен ва дўстим ўзимиз билмаган ҳолда айнан Европанинг Осиёдаги биринчи элчиси — Клавихо босиб ўтган йўлдан саёҳат қилган эканмиз. Демак тарих яна қайтарилмоқда...»***

***Менга эса ёш журналист сифатида Сантияго Руиз Моралеснинг Ўзбекистоним ҳақидаги ушбу мақоласини таржима қилиш бахти насиб этди.***



**Нозима ТОШПЎЛАТОВА, ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети магистри. 2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси совриндори бўлган. Ўтган йили Испания Ташқи ишлар вазирлиги гранти асосида икки ой Малога университетида ўқиб қайтди. Ушбу мақола унинг испан тилидан таржимасида эълон қилинмоқда.**

# ОЛТИ АСР МУҚАДДАМ

Кейинги йилларда дунёнинг энг нуфузли оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон ҳақида, унинг тарихи, бугунги ҳаёти хусусида кўплаб мақолалар нашр қилинмоқда. Қуйидаги мақола Испаниянинг етакчи газеталаридан бўлган «АВС»да (январь ойида) чоп этилган.

...Бундан бир неча ой аввал Самарқанд шаҳрида Руи Гонсалез де Клавихо кўчасининг очилишида иштирок этиш бахтига муяссар бўлдик. Ҳозирга келиб айнан Клавихо бошчилигидаги испан миссияси Европанинг Марказий Осиёдаги энг қадимий миссияси эканлиги тан олинмоқда. Темур ва Клавихо учрашувларининг 600 йиллиги муносабати билан бир кўргазма ва конференция уюштиришга эришдик.

Хўш, нега ўша даврда испанлар шундай узоқ ўлкага қизиқиб қолишган?

Луи Гонсалез Клавихо элчихонаси Самарқанд билан яқин алоқаларни ўрнатди. У Кастилия ва Леон қироли Энрике III Трастамара томонидан Европани турк империяси сиқувидан озод этган, енгилмас ва жасур ҳукмдорни яқиндан билиш мақсадида жўнатилган эди. Бу даврда Усмонийлар империяси яқин шарқдан христианлар европаси учун катта таҳдид солиб турар ва фақат Темурнинг Боязид устидан 1402 йилда Анқарадаги ғалабаси туфайлигина Константинопол ўз вақтида озод этилди. Миссия эса бу воқеадан бир йил аввал испан кемалари — Галераларда Ўрта ер ва Қора денгиздан кечиб ўтгандан сўнг бошланган эди. «ЯК-40» ҳаво кемаси фожиасидан роппа-роса 600 йил аввал Испан қироли Марказий Осиёга йўллаган кема Қора денгизда тўфонга дуч келиб, ҳалокатга учрайди. Яхшиямки, ҳеч қандай қурбонлар бўлмаган. Чунки фожиа қирғоққа яқин жойда юз берганди.

Миссия шарқий Туркия ва бутун Форс кўрфазидан ўтгандан сўнг, ҳозирда НАТОнинг



қуруқликдаги қўшинлари таркибига кирувчи генерал Фабиан Санчес раҳбарлигидаги испан ҳарбийлари фаолият юритаётган Афғонистоннинг шимоли ғарбий қисмидан Амударё орқали ҳозирги Ўзбекистоннинг Термиз шаҳрига етиб боради. Шуниси қизиқарлики, 1982 йилда собиқ совет ҳукумати томонидан Амударё устига қурилган «Дўстлик кўприги» 600 йил аввалги Клавихо ёзувларида катта, ёғочдан худди ўша ҳудудга, яъни Афғонистонни шимолдан жанубига томон босиб олиш мақсадида қурилган кўприк, дея таърифланади.

Клавихо Самарқандга 1404 йилнинг 8 сентябрида келади ва 21 ноябргача шу ерда бўлади. Бу ташриф давомида у бир неча маротаба Темур ҳузурида бўлади. Икки ярим ой давомида Темур Клавихо учун 18 та шоҳона базм уюштиради. Буни дипломатия тарихидаги рекорд деса ҳам бўлади. Базмлар ўртача ҳисобда ҳар уч кунга тўғри келган. Клавихо ўзининг китобида бу шоҳона зиёфатларнинг ғаройиботлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтади. Уни ҳашаматли қабул маросими, ўйин-рақслар, таом одатлари лол қолдиради.

Ўша даврда Марказий Осиё муҳим геостратегик аҳамиятга эга бўлган ҳудуд ҳисобланар ва ўз элчиларини жўнатган Энрике IIIнинг қизиқиши айнан бу ерга қаратилганлиги бежиз эмасди.

Бироқ XV аср охирида Васко да Гама Осиёга денгиз йўлларини очгандан сўнг, бу ҳудуддаги ноз-неъматлар ва Ипак йўлининг мавқеи тушади. XIX аср ўрталарида бу ҳудудга яна руслар ва инглизлар томонидан қизиқиш ортади. Американинг очилиши билан овора бўлиб юрган Испанияда ҳеч ким эндиликда аҳамиятини йўқотаётган элчихонани ёдга олмади.

Клавиходан аввал, Темур билан 1402 йилда Анқарада учрашган Пайо Гомес де Сотомайор ва Эрнан Санчес де Паласуэлос элчихоналари ҳам мавжуд бўлган. Темур бу элчилар билан ўз маслаҳатчиси Муҳаммад ал Кешни Никополисда Боязид томонидан асир олинган ва турк ҳарамида сақланган уч грек-венгер канизаклари ҳамроҳлигида жўнатади. Муҳаммад ал Кеш Кастилия қиролининг Сеговиядаги қароргоҳида қабул қилинади.

Канизакларнинг иккиси Сотомайор ва Паласуэлос билан, учинчиси эса Сеговия ноиби Контрерас билан никоҳдан ўтади. Уларнинг тўғридан-тўғри авлодлари ҳозирда унгрлар ва маркиз Лосойа оилаларида истиқомат қиладилар. Клавихо эсдаликлари кастил тилида уч хил талқинда мавжуд. Булар испан тилида «Embajada a Temurlan», «Embajada a Tamorlan», «Mision Diplomatica de Castilla a Samarkanda» номлари билан «Самарқанддаги элчихона» тарихий тўпламида чоп этилган. У испан саёҳатномалари ичида ўзининг тарихий қиймати, жўғрофий-этнографик маълумотларга ҳамда саргузаштларга бойлиги билан ажралиб туради. Лекин шунга қарамай у ҳали етарли даражада ўрганилмаган.

Уюшма бу эсдаликларни оммавийлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Шу мақсадда турли анжуманлар ўтказади, мақолалар чоп этади. 2004 йилнинг 10 ноябрида Мадридда Темур ва Клавихо учрашувларининг 600 йиллигига бағишланган тадбир уюштирилди. Шунингдек, Клавихо — Темур ўзбек — испан дўстлик уюшмаси икки халқ ўртасида бундан 600 йил аввал маданият ва тиллар ўртасидаги тафовутга қарамай ўрнатилган алоқаларни тиклаш ва ривожлантириш вазифасини қўйган. Испанияга Ўзбекистонда алоҳида эътибор билан қарашади.

Бироқ, ҳозирда бу ёш республика билан ўрнатилган алоқалар имкониятларидан етарлича фойдаланилаётгани йўқ. Кейинги 2000 йилликнинг энг йирик маданият ўчоқларидан бўлган Қурдоба ва Бухоро 15 йилдан буён биродар шаҳарлар ҳисобланади. Илм-фан, савдо ва дипломатик соҳаларда ўзаро ҳамкорлик ўрнатилган. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Испания Қироли билан учрашувлари йироқдаги яқин икки мамлакат ҳамкорлигини янги поғонага кўтарди.

**Сантияго Руиз МОРАЛЕС,**
**Ўзбекистоннинг Мадриддаги фахрий бош консули,**
**Клавихо — Темур испан — ўзбек Уюшмаси президенти.**

XORIJDA

## Жвания билан видолашув

Грузия ўтган ҳафтада фожиали ҳалок бўлган бош вазир Зураб Жвания билан видолашди. Жванияни сўнгги манзилга кўзатиш учун минглаб одамлар ҳозир бўлишди.

Мамлакат президенти Михаил Саакашвили Грузия марҳум Жвания ёрдами билан ҳақиқий давлатга айланганини таъкидлади.

Хайрлашув маросимига Ташқи ишлар бўйича Америка сенати раҳбари Ричард Лугар, Россия транспорт вазири Игорь Левитин ҳамда Жаҳон банки раҳбари Жеймс Вульфенсон ташриф буюришди.

Голландиядан рамзий 1000 та атир гул олиб келинди. Гуллар тобут олиб ўтилган йўлакчага тўшалди.

Жвания Тбилисидаги йирик жамоат арбоблари ва ёзувчилар Пантеонига дафн этилди.

# ЯНГИ ҲУКУМАТ ШАКЛЛАНТИРИЛДИ

Юлия Тимошенко Украинанинг бош вазири этиб тайинланди. Янги Вазирлар Маҳкамаси асосан Украина ҳукуматида бундан аввал хизмат қилган ва ижроия ҳокимиятида умуман фаолият юритмаган шахслардан таркиб топди.

Кузатувчиларнинг фикрича, бу одамларни бир мақсад, яъни мамлакатдаги мавжуд ҳолатни ислоҳ қилиш ва Украинани Европа томон йўналтириш мақсади бирлаштиради.

Виктор Ющенконинг сайловдаги ғалабаси Украина ҳукуматидаги ўзгаришларга сабаб бўлди. У янги президент сифатида «ўтган кунларни» камроқ эслашни маслаҳат берди.

Кузатувчилар охирги ҳафта давомида Ющенко атрофида жуда қизғин музокаралар бўлиб ўтганлигини айтишди. Сайловда ғолиб чиққан лагер вакиллари вазирларни тайинлашда манфаатлар мувозанатини сақлаш кераклигини таъкидлашган.

Хўш, янги Вазирлар Маҳкамаси таркибида ким қайси лавозимни эгаллади?

Юлия Тимошенко — мамлакат тарихида бош вазир лавозимини эгаллаган биринчи аёл бўлди. У 1999 йилда Виктор Ющенко бош вазир бўлган пайтда бош вазир ўринбосари сифатида фаолият юритиб, ёнилғи-энергетика соҳасини бошқарган. Айнан ўшанда у яширин айланаётган маблағларни ҳукуматга қайтариб беришга муваффақ бўлиб, ишонч қозонган эди.

2001 йилда Украина прокуратураси Юлия Тимошенко устидан жиноий иш қўзғади. Жиноий иш унинг 1995-97 йиллардаги «Украинанинг ягона энергетика тармоқлари» корпорацияси раҳбари сифатида кўрсатган фаолияти билан боғлиқ эди. Тимошенко жиноий иш хуфия «даромадларидан» айрилган олиграхларнинг кўрсатмасига асосан қўзғатилганлигини таъкидлаб, мухолифатга ўтиб кетганди.



Украинада «тўқ сариқ инқилоб» бошланганида Тимошенконинг юлдузли онлари келди. Киевнинг Мустақиллик майдонига чиққан одамлар уни янги ҳукуматда Ющенкодан кейинги иккинчи шахс сифатида тан олишганди.

Юрий Луценко – Социалистик партиянинг вакили ва Ички ишлар вазирлигининг янги раҳбари. У одамлар орасида энг ёркин инқилобчи сифатида танилган.

Айнан Луценко бошчилигидаги намойишчилар президент маъмуриятигача бостириб боришган. Ҳукумат биноларини қўриқлаб турган ҳеч бир милиционер тез орада шу одам уларнинг бошлиғи бўлишини тахмин қилмаган бўлса керак.

Разумков номидаги мустақил таҳлил маркази раҳбари Анатолий Гриценко Украина мудофаа вазири этиб тайинланди. Гриценко бошқарган марказ ўзининг хавфсизлик, сиёсат ва халқаро алоқалар борасидаги тадқиқотлари билан ном қозонган. Марказ кўпинча ҳукуматнинг мудофаа ва ҳарбий ислоҳотларини танқид остига олиб, мамлакат мудофаасини НАТО томон яқинлаштириш керак деган фикрни олға сурган. Айни пайтда марказ раҳбарига назарий фикрларни амалиётда қўллаши учун имконият яратилди.

«Миллий руҳ» партиясининг раҳбари ва Украинанинг 1998-2000 йиллардаги ташқи ишлар вазири Борис Тарасюк шу йилдан эътиборан яна ўз лавозимига қайтди. У Украинанинг Европа билан ҳамкорлик қилишига ашаддий тарафдорлардан бири ҳисобланади.

Ҳукуматда Европа билан интеграциялашув бўйича янги бош вазир ўринбосари лавозими жорий этилганлиги Украинанинг Европа томон юзланганидан далолат бермоқда. Бу лавозимни Ющенконинг азалий тарафдори Олег Рибачук эгаллади. Сайлов кампанияси давомида айнан Рибачук Ющенко офисини бошқарганди.

Украина бош вазирининг биринчи ўринбосари этиб, президентликка номзодлардан бири, собиқ бош вазир, саноатчилар ҳамда ишбилармонлар партияси етакчиси Анатолий Кинах тайинланди.

Молия вазирлигини бошқариш «Ислоҳотлар ва тартиб» партияси етакчиси Виктор Пинзеникка топширилди. У Молия вазирлигига 1990 йиллар бошида ҳам раҳбарлик қилганди.

Ҳукуматнинг ижтимоий соҳасини «Бизнинг Украина» блоки аъзоси Николай Томенко бошқарадиган бўлди. У шу пайтгача парламентнинг сўз эркинлиги ва оммавий ахборот воситалари қўмитасини бошқариб келганди.

Янги бош вазир ўринбосари Украинанинг собиқ ҳукуматини журналистлар фаолиятини чегаралашда айблаган эди. У журналистларни янги ҳукумат фаолиятини ҳам диққат билан кузатиб, танқиддан чарчамасликка чақирди.

**Хуршид РАУПОВ**

**Ҳурматли «Фарҳод деҳқон бозори» ОАЖ акциядорлари!**

***Сизларни 2005 йил 10 март куни соат 15.00 да «Фарҳод деҳқон бозори» ОАЖ маъмурий биноси мажлислар залида бўлиб ўтадиган акциядорларнинг навбатдаги умумий мажлисига таклиф этамиз.***

**Кун тартибидаги масалалар:**

1. Жамиятнинг 2004 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи.
2. Жамиятнинг 2004 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан аудиторлик хулосасини тасдиқлаш.
3. 2004 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамият Кузатув кенгашининг 2004 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботини кўриб чиқиш.
5. 2004 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича балансини тасдиқлаш.
6. 2004 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг бошқарув раисини сайлаш.
8. 2005 йилги иш режаси (бизнес план)ни тасдиқлаш.
9. 2005 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
10. 2005 йил фаолияти учун жамият аудиторини тасдиқлаш.
11. «Эски Жува» деҳқон бозори тасарруфидаги «Кўкча-Оқтепа» бозор шахобчасини «Фарҳод деҳқон бозори» ОАЖ тасарруфига киритиш.

Акциядорларни рўйхатга олиш «Фарҳод деҳқон бозори» ОАЖ маъмурий биноси мажлислар залида соат 14.00 да бошланади.

**ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

## Спорт хабарлари

FIFA WORLD CUP GERMANY 2006

# РАҚИБИМИЗ ҲАҚИДА

Эртага Марказий «Пахтакор» стадионида 2006 йили Германияда бўладиган жаҳон чемпионати саралаш учрашувида Ўзбекистон — Саудия Арабистони терма жамоалари ўзаро куч синашади.

**Маълумот учун:** *Саудия Арабистони футбол федерацияси 1959 йилда ташкил топган. Шу йили ФИФАга аъзо бўлган. Президенти Файсад Бин Фаҳд Абдул Азиз, бош котиби Саид Жаман. Мамлакат миллий терма жамоаси уч маротаба (1984, 1988, 1996 йиллар) Осиё чемпиони, икки карра қитъа чемпионати кумуш медали совриндори, Форс кўрфази кубоги ғолиби (1994, 2002, 2004). Шунингдек, саудияликлар қаторасига уч бор жаҳон чемпионати финал босқичида (1994, 1998, 2002) тўп суришга муваффақ бўлишган.*

*Мамлакатда рўйхатга олинган футболчилар сони 120 мингдан ортиқ. Етакчи клублари — «Ал-Аҳли», «Ал-Иттиҳод», «Аш-Шабаб», «Ал-Ҳилол». Саудия Арабистони миллий терма жамоаси илк халқаро учрашувини 1967 йил 1 декабрда Тунисга қарши ўтказган — 4:0.*

Саудия Арабистони — Осиёнинг футболи энг яхши ривожланган мамлакатларидан биридир. Буни юқорида келтирилган маълумотдан ҳам билиб олиш қийин эмас.

Ўзбекистон ва Саудия Арабистони вакиллари жаҳон чемпионати саралаш баҳсларида гарчи илк маротаба рўбарў келаётган бўлсалар-да, бошқа учрашувларда аввал ҳам бир неча маротаба ўзаро куч синашганлар. Бу мамлакатлар миллий терма жамоалари дастлаб 1994 йили Хиросима (Япония)да уюштирилган XII Осиё ўйинларида баҳслашганди. Футболчиларимизни қитъага танитган мазкур мусобақанинг гуруҳ учрашувида терма жамоамиз ғалаба қозонган — 4:1. Иккинчи расмий ўйин эса олти йилдан сўнг, Ливанда Осиё чемпионатида ўтказилди. Ушбу қитъа чемпионатининг кумуш медалига сазовор бўлган саудияликлар мазкур учрашувда терма жамоамиз дарвозасига жавобсиз 5 та тўп йўллашди — 0:5. Ўтган йили Хитой яшил майдонларида уюштирилган сўнгги Осиё чемпионати гуруҳ баҳсларида ҳам бу терма жамоалар яна бир бор ўзаро рақиб бўлдилар. Бу сафар эса омад ўзбекистонликларга кулиб боқди — 1:0.

2006 йили Германияда бўладиган жаҳон чемпионати иккинчи босқич саралаш учрашувлари қатнашчилари орасида ҳеч бирини кучсиз, деб бўлмайди. Жумладан, Ўзбекистон билан бир гуруҳда тўп сураётган Жанубий Корея, Саудия Арабистони, Қувайт терма жамоаларининг ҳар бири жаҳон чемпионатига бериладиган йўлланмалар учун муносиб даъвогар, десак муболаға қилмаймиз. Муҳим учрашув олдидан ҳар икки терма жамоа ўртоқлик учрашувлари ўтказиб, ўз таркибларини шакллантиришга ҳаракат қилдилар.

Эртанги рақибимиз — Саудия Арабистони футболчилари ҳам сўнгги йигирма кун ичида бир неча халқаро ўртоқлик учрашувларида майдонга чиқди. Дастлаб улар Тожикистон миллий терма жамоаси билан баҳс юритдилар. — 3:0. Ўтган ҳафта Венгрия футболчилари билан бўлган навбатдаги учрашув ҳам саудияликлар учун яна бир синов вазифасини ўтади — 0:0.

Жаҳон чемпионати саралаш учрашувларига аргентиналик мураббий Габриэл Калдерон раҳбарлигида ҳозирлик кўрган Саудия Арабистони терма жамоаси 6 февраль куни Тошкентга етиб келди. Рақибларимизнинг кайфияти яхши. Осиёнинг жазирамасида тобланган саудияликларни фақатгина юртимизнинг совуқ қиши бироз ташвишлантирмоқда.

Ишонамизки, немис мутахассиси Юрген Геде мураббийлигида майдонга чиқаётган Ўзбекистон футболчилари Осиёнинг етакчи терма жамоаларидан бири Саудия Арабистонига қарши муносиб ўйин намойиш этиб, мухлисларимизга қувонч ҳадя этадилар. **Барча ишқибозларни эртага «Пахтакор» стадионида бошланадиган Ўзбекистон — Саудия Арабистони терма жамоалари учрашувига чорлаймиз.**

**Эркин ХОЛБОБО**

## АБРАМОВИЧ ПРЕЗИДЕНТ БЎЛАРМИКИН?

Ҳаваскорлар футбол лигаси Чукотка губернатори Роман Абрамовични Россия футбол иттифоқи президентлигига номзодини кўрсатди. Шунингдек, Виталий Мутко, Владимир Алёшин ва Александр Тукмановлар ҳам ана шу нуфузли лавозимга даъвогар бўлиб туришибди. Абрамович бундай воқеадан хабардор бўлса-да, ҳозирча эътироз билдирганича йўқ. Лига президенти Владимир Бауэрнинг фикрига қараганда, кимнинг номзоди тасдиқланиши февраль ойи ўрталарида ҳаваскорлар футбол лигасининг мажлисида аниқланса керак. Айни пайтда Бутунроссия футбол уюшмаси мамлакат футбол иттифоқи президентлигига таниқли собиқ дарвозабон Анзор Кавазашвили номзодини расмий равишда кўрсатди. Номзодларни кўрсатиш эса март ойи бошигача давом этиши кутилмоқда.

***«Чорсу буюм бозори» очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!***

2005 йил 12 март куни соат 12.00 да жамиятнинг маъмурий биносида акциядорларнинг 2004 йил якунлари бўйича умумий мажлиси ўтказилади, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2005 йил 8 февраль ҳолатига тузилган.

Акциядорларни рўйхатга олиш соат 10.00 да бошланади.

Кун тартибида:

1. «Чорсу буюм бозори» ОАЖнинг 2004 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи.
2. Жамиятнинг 2004 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан аудиторлик хулосасини тасдиқлаш;
3. 2004 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш;
4. 2004 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича балансини тасдиқлаш;
5. 2004 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш;
6. 2005 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш;
7. 2005 йил фаолияти учун жамият аудиторини тасдиқлаш;
8. Жамият Кузатув кенгашининг 2004 йилги фаолияти бўйича ҳисоботни тасдиқлаш;
9. Кузатув Кенгаши таркибиға ўзгартириш киритиш ҳақида.
10. Жамият мақомини ўзгартириш ҳақида.
11. Жамият бошқаруви раисини тасдиқлаш тўғрисида.
12. 2005 йилга мўлжалланган бизнес режасини тасдиқлаш.

**Тартиб рақами №07** **КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!**

**Давлат Мулки Қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси томонидан 2005 йилнинг 11, 15,18, 22, 25, 29 март кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига:**

Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Нилуфар кўчаси, 28-уйда жойлашган «Hajm blokli uy qurilish tajribaviy kombinati» ҳиссадорлик жамиятининг 1986 йилда қурилган, майдони 12096 кв.м. бўлган омборхона биноси қўйилади. Бинонинг баландлиги 14,4 метр. Сув, иссиқлик, канализация ва электр тармоғи билан таъминланган. Омборхона ҳудуди темир бетонли тўсиқлар билан ўралган. Дарвозаси темирдан. Омборхонада — 32 тонналик юк кўтарувчи 4 дона кўприкли кран мавжуд. Объектнинг **бошланғич нархи — 428 400 000 сўм.**

Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 7-уйда жойлашган «O'zbekinvest Eksiminform» маркетинг агентлигининг 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АС 362 бўлган «Эсперо» русумли автотранспорт воситаси қўйилади. **Бошланғич нархи — 1 760 000 сўм.**

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10% миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК «Ўзуйжойжамғармабанк» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдолар Тошкент шаҳри. Миробод тумани, Моваруннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади. Телефонлар: 133-23-40, 133-02-49.

**Гувоҳнома №000815**

**«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси газетанинг 2005 йил 1 февраль сонидаги эълоннинг биринчи устун юқоридан олтинчи қатори «Юнусобод тумани, Соҳибкор кўчасида, ҳар бирининг майдони» деб ўқилишини маълум қилади.**

«Kurash» халқаро журнали таҳририяти самбо кураши бўйича икки карра жаҳон чемпиони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси Сайфиддин Ҳодиевга ўғли

**Ҳусниддин ҲОДИЕВ**нинг

бевақт вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# КИМГА БУ ОЛАМ САРИ ОЧИЛСА ЙЎЛ, ОЛАМ АРО АҲЛИ ДИЛ УЛ БЎЛДИ УЛ



## «НЕКИ ОЛАМИ КУБРОДА БОР — ОЛАМИ СУҒРОДА БОР»

Навоий ижоди ҳикмат ва тамсиллар, ҳар замон, ҳар давр учун ҳам сабоқ бўладиган ўлмас ғоялар, фикр-қарашлар уммони. Шоирнинг эҳтиросли ёниқ каломи ҳамон қалбимизга нур сочиб, юксакликларга чорлайди, инсонийлик мулкига етаклайди. У ўз замони дардини қаламга олди, адолат ва инсоф тантанаси учун курашди. Гоҳ тарихни ибрат қилиб, гоҳ валисифат замондошлари образини яратиб, гоҳ улуғ идеалларга ҳавола қилиб, инсонларга таъсир этиш, уларни хайр ва савоб ишларга даъват қилиш билан жамиятни ўнглаш, инсон зотини шарафлаш учун қайғурди, бутун истеъдоди, илмини шунга сарфлади.

Аммо, агар Навоий дунёқарашини яхлит бир тизим сифатида олиб қарайдиган бўлсак, унинг марказида, шубҳасиз, ислом аҳкоми ва тасаввуф таълимоти ётади. Зеро, шоирнинг оташин гуманизми, одамийлик концепцияси, адлу инсоф, саховат ва муҳаббат ҳақидаги фикр-ўйлари, эзгуликка пайваст буюк тафаккур олами шу таълимот негизида шаклланди. Тасаввуфга меҳр унда болаликдан бошланган; кўпроқ фақр аҳли билан дўстлашгани, сўфиёна асарлар мутолаасига берилиши (чунончи, «Мантиқут тайр»ни ёд олгани), «солики мажзуб»ни орзу қилгани шундан. У нақшбандия сулукини танлаб, Абдураҳмон Жомийни пир деб қабул қилиб, унинг ҳузурида ваҳдат ул-вужуд фалсафасидан сабоқ олди, шайх Муҳаммад Табодгоний суҳбатларини қозониб, «илтифотлар» кўрди. Жомий Навоий илтимоси билан ориф шайхлар тазкираси «Нафаҳот ул-унс» китобини ёзди ва Фахриддин Ироқийнинг «Ламаот» асарини шарҳлади. Навоий «Нафаҳот ул-унс»ни қисқартириб, ўзбек тилига таржима қилди, турк машойихидан кўпини ва замондош дарвешларни киритди. Натижада, Навоий қалбан ва ботинан «фақру фано жодасида иқбол топган» (Жомий) одамга айланди. Азалий ва абадий Тангри таолони Ҳақ ва ҳақиқат ҳисоблаб, нафс талабларини ўлдира бориб, дилни поклаш, ўзни таниб, ўзликни фидо этиш орқали илоҳий маърифат топган ориф сўфийлар маслаги Навоий маслагига айланади. Натижада тасаввуф ғоялари унинг ижодининг мағз-мағзига сингиб кетади. Сўфиёна ишқ оламини илоҳий нур тажаллисида кўриш, ҳол мастоналиги шоирнинг валийларча истеъдодига қувват бағишлар, романтик тахайюлини яшнатарди.

Айни вақтда, шуни ҳам биламизки, Навоий реал дунё гўзаллигини куйлаган оташқалб шоир. У ижтимоий-сиёсий воқеаларга фаол иштирок этди, давлат арбоби сифатида турли мансабларни эгаллаб, ўз идеалларини ҳаётга татбиқ этишга интилди. Навоий ҳаётни бутун мураккаблиги билан қаламга олади, ёниқ сўз воситасида кишилар қалбига таъсир этиш, уларни ёмон ишлардан қайтариб, эзгу амаллар сари сафарбар этишга чоғланади. Хуллас, Навоий ижодида илоҳийлик ва дунёвийлик уйғунлашиб кетган. Илоҳий ғоялар, тимсоллар унинг учун инсон ҳамиша интиладиган идеал олам бўлса, дунё шу идеал оламнинг кўзгуси, ибрат ва сабоқ майдони. Зеро, инсонда коинотнинг, илоҳий оламнинг ҳикматлари, моҳияти акс этган.

«Неки олами куброда бор — олами суғрода бор», дейди Навоий. Олами кубро — катта олам, яъни коинот, борлиқ. Олами суғро — кичик олам, яъни инсон. Бундай қараш аслида Одам Атонинг яратилиши ҳақидаги ривоятга бориб тақалади. Одам Ато, Қуръони каримда айтилишича, тупроқдан яратилиб, кейин унга Аллоҳ ўз руҳини юбориб, жон ато этади. Демак, инсон модда ва руҳ ёки табиат ва илоҳдан вужудга келган. Шу боис инсон тийнатининг ўзида мажоз ва ҳақиқат, илоҳийлик ва дунёвийлик мужассам. Бу олам ягоналиги ҳақидаги ваҳдат ул-вужуд таълимотига мувофиқдир.

Яъни:

***Ўз вужудингга тафаккур айлагил,***
***Ҳар не истарсан, ўзунгдин истагил.***

Шунга кўра, инсон аввало ўзини, кейин Аллоҳ яратган жами илму ҳикмат, маърифат-маънавиятини билиб, ўз Холиқини таниб, мусаффо руҳ ҳолида қайта ваҳдониятга қўшилмоғи даркор. Шу йўлда инсон ахлоқи покланади ва у комиллик даражасига кўтарилади.

Комил инсон сийрати, бу йўлга кирган соликнинг ишқи ва шавқи, дард-изтироблари Алишер Навоий асарларида турли тимсоллар, образларда ҳар хил услубда тасвирланади. «Хазойин ул маоний»нинг ҳар бир девони ваҳдат қудратини шарафловчи ғазаллар билан очилади, соҳибдил дарвешлар мадҳ этилиб, кейин «ишқи мажозий»ни куйловчи ғазаллар келади. Лирик қаҳрамонсолик ер гўзали («мазҳар шуҳуди»)га мафтун ўларок, ҳақиқий ёр висолини қўмсаб ёнади, касрат дунёси тузоқлари бандида — ҳижронда нола чекади. Навоий ғазалиётидаги поэтика, образлар, тамсил-рамзлар тизими орифона рамзу ишоралар, маъноларни ифодалайди, мақомот ва ҳол мартабаларидаги руҳий-психологик кечинмаларни англатади. Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Лисон ут-тайр» асарларида мазкур маънолар эпик образлар мисолида кўрсатилган. Фарҳод ҳам, Мажнун ҳам илоҳий ишқ ўтида ёнган соликлар, Ширин ва Лайли — илоҳиёт жамоли акс этган «мазҳар».

Фарҳод илму ҳикматни эгаллаган, мардоналик, футувватни ошиқлик билан қўшган киши. Мажнун эса — ёшлигиданоқ «ишқ барқи» тегиб, «сиришти ва сарнавишти» ишқ дардидан иборат сархуш ва беҳуш «девона ошиқ» тимсоли. Ҳар иккаласи ҳам мажозий ишқ кимёсида ёниб, руҳлари вужуд алоиқидан қутулиб, ваҳдат руҳи билан қўшилади. Иккала достоннинг драматик асосини ишқи илоҳий жазбаси теккан киши билан буни англамайдиган «соғлом» кишилар орасидаги зиддият ташкил этади. Қоран, Суҳайло, Суқрот солик Фарҳоднинг турли даражадаги пирлари, кўзгу — ориф кўнгли, Хусрав — ишққа зўрлик билан эришиш рамзи. «Садди Искандарий»да шоҳ ва дарвеш масаласи кенг планда ёритилган.

Навоий тасаввуфни ҳикмат ва амалий фаолият билан қўшмоқчи бўлади, шоҳ учун шижоат билан бирга дарвешлик ҳам зарур, деган ғояни илгари сурган. Бу тасаввуф тарихида янгиликдир, чунки Навоий салафлари дарвешни шоҳдан устун қўйиб таърифлаганлар, Навоий буни инкор этмаса-да, лекин шоҳу дарвешни бир шахсда кўриш мумкин деб, Ҳусайн Бойқарони мисолга олади. Шу заминда Навоийнинг таркидунёчиликка муносабати шаклланган: у хонақо аҳлини ҳурмат қилади, аммо ўзи жамиятга фаол аралашиб, одамларга яхшилик қиладиган, саховат кўрсатадиган, моддий ва маънавий бойликлар яратиб, нафъ келтирадиган дарвештабиат одамларни баландроқ қўйиб, улуғлайди. Бу йўл Нақшбанд ҳазратларининг «Дил ба ёру даст ба кор» шиорига мувофиқ эди. Қайсиким, Хожа Аҳрор Вали ўз фаолияти ва қарашлари билан буни яна мустаҳкамлади.

Шу ўринда «ҳақиқат», «мажоз», «мазҳар» тушунчаларига қисқа изоҳ бериб ўтиш ўринли. Ҳақиқат тасаввуфга кўра — Аллоҳнинг ўзи, унинг зоти ва тажаллийси. Мажоз — Аллоҳ яратган дунё, моддий борлиқ. Шу билан бирга, мажоз деганда, образ, тимсол ҳам тушунилади. Чунки, ваҳдат ул-вужуд фалсафасига кўра, дунё — бу Аллоҳ яратган бир тимсол, аниқроғи — кўзгу. Бу кўзгуда Аллоҳ жамоли акс этади. Инсон айни шу кўзгунинг ўртаси, дунё ва илоҳ ҳикмати жамланган хилқат. Инсон қалби — Аллоҳнинг уйи. Шу боис, унда Аллоҳ жамоли зуҳур этади. Айниқса, Комил инсонда бу ёрқин намоён бўлади. Шу тариқа, мажоз (дунё) ва ҳақиқат (Аллоҳ) бир-бири билан боғлиқ. Дунёни Илоҳдан, Илоҳни дунёдан ажратиб, бир-бирига зид қўйиш ноўрин.

Улуғ шоирлар Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий ва Навоий ижодида шу боис мажоз ва ҳақиқат бирга олиб куйланади. Навоий дейди:

***Зоҳидо, бу ишқдин манъ айлама ошиқниким,***
***Гар сен идрок айласанг, айни ҳақиқатдур мажоз.***

Яъни, мажозий ишқни тасвирлаш илоҳий ишққа зид эмас, аксинча мажоз (дунё) кечинмалари, шавқу завқи, гўзаллиги тасвири орқали Илоҳ гўзаллиги ва шавқини тасвирлашга қараб борилади. Илоҳий гўзаллик дунёвий гўзаллик орқали идрок этилади. Шу маънода «мажоз — ҳақиқатга элтувчи кўприкдир», дейди Навоий.

Шоир инсон ахлоқи ва унинг камолотини ҳам шу нуқтаи назардан бир яхлитликда олиб тасвирлайди.

«Ҳайрат ул-аброр» ва «Лисон ут-тайр»да тасаввуф ғоялари хийла фалсафий теранликда ёритилган. «Аброр» деб тасаввуфда сулукнинг муайян босқичини эгаллаган соликка айтилади. Навоий солик кўнглининг жабарут, малакут ва вужуд оламларини сайр этиб, ҳайратга ғарқ бўлиши, мутлақият қудратини, гармониясини ҳис этишини, солик ахлоқи ва сийрати (вафо, ишқ, қаноат, сабр, ҳалоллик, одоб)ни тасвирлаб, унинг ижтимоий қарашларини баён этади, солик назаридан инсоний нуқсонларни танқид қилади. «Лисон ут-тайр»да эса рамзий йўсинда (қушлар — талаб йўлига кирганлар, Ҳудҳуд — пир) сулукдаги мақомот манзиллари (савол-жавоблар), сўнгра ҳол мартабалари (етти водий), солик эришган муроқаба ва мукошафа даражалари, фақру фано ва бақога етиш қийинчилигию шукуҳи кўрсатилган. «Хамсат ул-мутаҳаййирин», «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер»да Навоийнинг иккала пирининг нажиб инсоний ва илоҳий хислатлари улуғланган. «Насойим ул-муҳаббат»да ҳам кўп ориф шайхлар ҳикмати, кароматидан воқиф бўламиз, Навоий бу асарларида дарвеш образини муҳаббат билан чизади.

Навоий учун Илоҳ, илоҳий поклик — олий идеал, дунё фарзанди бўлган инсон эса, шу идеалга интилиб, эзгулик қонуни билан яшаши ва маънавий камолотдан ҳузурланиши керак.

**Нажмиддин КОМИЛОВ,**
**профессор**

## «ХАМСА» ҲИКМАТЛАРИ

*Қўйни шубон асрамаса ою йил,*
*Оч бўрилар туъмасидур бори бил.*

*Боқмаса деҳқон чаманин туну кун,*
*Нахли тарин англа қуруғон ўтун.*

*Кимга бу олам сари очилса йўл,*
*Олам аро аҳли дил ул бўлди ул.*

*Барча гадо олида бўлғил гадо,*
*То санга шаҳ қурбини бергай худо.*

*Донаи дур сўзини афсона бил,*
*Сўзни жаҳон баҳрида дурдона бил.*

*Ул киши сўз баҳрида ғаввос эрур,*
*Ким гуҳари маъни анга хос эрур.*

*Тенгрики, инсонни қилиб гавжи роз,*
*Сўз била ҳайвондин анга имтиёз.*

*Қилма улус ирзу иёлиға қасд,*
*Айлама эл жонию молиға қасд.*

*Сўздин ўлукнинг танида руҳи пок,*
*Руҳ доғи тан аро сўздин ҳалок.*

*Дафтари назмида чу шерозадур,*
*Гул вароқи гулшан аро тозадур.*

*Мунда доғи қудратин ифшо қилиб,*
*Ҳикмат ила қатрани дарё қилиб.*

*Ҳар не хато қилғонинг ўлғоч ҳисоб,*
*Бўлғусидир ҳар бирига юз азоб.*

*Гаҳ-гаҳи ёд айла надоматни ҳам,*
*Қайси надоматни, қиёматни ҳам.*

*Гул кўрунур, ёнида юз хори бор,*
*Бор эса бир айш, минг озори бор.*

*Кимки улуғроқ анга хидмат керак,*
*Улки кичикроқ анга шафқат керак.*

*Кимки иши бўлди қаноат фани,*
*Билки, ани қилди қаноат ғани.*

*Ёраб, ани халқ дилафрўзи эт,*
*Хаста Навоийға доғи рўзи эт.*

## МАНГУ МУҲАББАТ

*Улуғ бобонг Навоийнинг ётар жойи Ҳирот бўлгай,*
*Валекин билмасанг ул зотни сен, оғир уёт бўлгай.*

*Сенга муҳтож эмасдир ҳазрат, улуғ мақсад, улуғ меҳнат*
*Билан дил кўзларин очким, ҳаётинг ҳам ҳаёт бўлгай.*

*Завол эрмас, камол келтир она юртингга ҳар соат,*
*У сенга ҳам она, ҳам юрт, сенга икки қанот бўлгай.*

*Нечун ёлқинланиб кезгай бу бўронзода тойчоқлар?*
*Улар фарзандларингга Бойчибор бўлгай, Ғирот бўлгай.*

*Бу тупроқ узра инсон бирла иймон — икки мансаб бор,*
*Агар жуздир ва ё қарлуқ, ўғиз ё қўнғирот бўлгай.*

*Кетар жисминг муваққатдир, Ватан — мангу муҳаббатдир,*
*Агар кимда муҳаббат йўқ, жаҳонда номурод бўлгай.*

*Келибсан гар сурур келтир, ҳавас бирлан ғурур келтир,*
*Ки сен кетсанг ҳам ортингдан, эл ичра ному ёд бўлгай.*

*Менинг бу норавон шеърим ёзилди бир ният бирлан,*
*Ёзилсин шеър ҳам токи у шеърдан бир мурод бўлгай.*

**Сирожиддин САЙИИД**

## МИЛЛАТ ҚОМУСИ

Алишер Навоий ижоди шундай бир улкан миллий қомуски, унда маънавиятимиз тарихи учун жуда муҳим маълумотлар келтирилади. Шоир асарларида, хусусан уч буюк туркий шайх — Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний ва Занги ота ҳақида қимматли манбалар қайд этилади.

Шоирнинг далолат қилишича, бир куни Аҳмад Яссавий муридларини ўтин теришга юборади. Келишда роса ёмғир ёғади. Ҳамманинг терган ўтини ҳўл бўлади. Лекин Сулаймон ўтинларини тўнига чирмаб, қуруқ олиб келади. Шунда пир унга: «Ҳакимона (яъни оқилона) иш қилдинг», — дейди. Шундан бу муридга «Ҳаким» сўзи лақаб бўлади. «Ҳаким отаға ҳикмат тили ҳам гўё бўлибтур», — деб ёзади Навоий. Кейин Сулаймон Боқирғоний ҳикматларидан бир тўртликни намуна қилиб келтиради.

Занги ота ҳам яссавия тариқатининг таниқли вакили, Туркистонда машҳур авлиё эди. Алишер Навоий у ҳақда ҳам ёзган. Гап шундаки, у устози ва пири Абдураҳмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ил-қудс» тазкирасини «Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват» номи билан қисқартириб таржима қилар экан, туркий шайхлар, яъни яссавий тариқати вакиллари ҳақидаги маълумотларни турли манбалардан излаб топиб, ўз асарига қўшади.

Занги ота ҳақидаги мана бу қисқа маълумот ҳам шу жиҳати билан қадрли: «Занги ота — Туркистон машойихидиндур (яъни, шайхлардандир) ва кўп машойих суҳбат ва хизматиға етибдур ва турк улусида машоҳирлардандур (яъни, машҳурлардандир). Анинг бобида ҳам кўп сўзлар манқулдур» (Алишер Навоий. Асарлар. 15 жилдлик. 15-жилд.Т, 1968. 156-бет).

Навоийнинг бу шайх ҳақида кўп нақллар борлигини таъкидлаши бекорга эмас. Тошкент ва унинг атрофидаги аҳолининг оғзида ҳозир ҳам бу авлиёни таърифлайдиган талай ривоятлар юради.

Занги ота мақбараси Амир Темур тарафидан бошланиб Мирзо Улуғбек замонида охирига етказилгани ҳам бу зоти шарифнинг элу юртда нақадар улуғ мавқега эга эканидан далолат беради.

Одатда авлиёлар дафн этилган ҳудуд ўша зотнинг номлари билан юритилиб келган. Шу анъанага амал қилиниб, Тошкент вилоятининг Занги ота қишлоғи ҳам киpадиган тумани бугун ана шу авлиё бобомиз номи билан юритилади.

Занги ота тариқат силсиласида Хожа Аҳмад Яссавийдан кейин учинчи халқа ҳисобланади. Хожа Аҳмад Яссавийнинг муриди Мансур бинни Арслон Бобонинг муриди Абдумалик Тож Хожа (1218 йили вафот этган), Абдумалик Тож Хожанинг муриди — ўз ўғли Занги бинни Абдумалик.

Шўро сиёсати бошқа диний-тасаввуфий улуғларимиз қатори Занги ота ҳаёти ва фаолиятини ўрганишни ҳам ман этди. У кишининг мақбаралари мажмуи даҳрийлик тарғиботи марказига айлантирилган эди.

Ҳолбуки, жаҳон тасаввуфшунослари Аҳмад Яссавий, Ҳаким ота, Занги ота ва ул зоти шарифларининг тариқатда тутган ўрни ҳақида тадқиқотлар олиб борди. Жумладан, англиялик олим Ж.С.Триминггэмнинг 1989 йили Москвада рус тилига таржима қилиб босилган «Исломда сўфий оқимлар» («Суфийские ордену в исламе») китобида. Аҳмад Яссавий, яссавия шайхлари, жумладан, Ҳаким ота ва Занги ота ҳақида ҳам тўхталади (58-59-бетлар).

Истиқлол шарофати билан бу шайхларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганишга жиддий киришилди. Занги ота мақбараси мажмуи обод этилди, у ердаги масжит намозхонлар ихтиёрига берилди.

Шу уч зоти шарифга муносабатидан ҳам кўринадики, миллат тарихида йилт этган бирор шахс ҳам Навоий назаридан четда қолмаган.

Шу мулоҳазадан кейин кўнгилдан Навоийдек хамсанавис туркий шеърий достон — «Қутадғу билиг»нинг муаллифи Юсуф Хос Ҳожибни, шундай буюк тилшунос XI асрда туркий-адабий луғат — «Девону луғотит турк»ни тузган Маҳмуд Кошғарийни нега бирор ерда эсламайди? — деган савол туғилади. Жавоб эса битта: XI асрнинг бу икки буюк ёдгорлиги борлигидан аллома бехабар бўлган. «Қутадғу билиг»нинг уйғур ёзувидаги бир нусхаси XV асрнинг 40-йилларида айнан Ҳиротда кўчирилганининг ўзигагина таяниб, «Навоий бу асарни ўқиган бўлиши мумкин», деган фикр тахмингина, холос.

**Султонмурод ОЛИМОВ,**
**адабиётшунос олим**

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi:
Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi:
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
*Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

*Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.*
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
*Hajmi 2 bosma taboq.*

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 155
11284 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O'zA yakuni — 22.30.
Topshirish vaqti 23.30
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda